

“ТАСДИҚЛАНГАН”

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
йиллик умумий йиғилиши
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий
йиғилиши баённомасига 12-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент-2021 йил

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар;
2. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми;
3. Тафтиш комиссияси таркиби;
4. Тафтиш комиссияси вазифалари;
5. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари ва ваколатлари;
6. Тафтиш комиссияси ва унинг аъзоларининг мажбуриятлари;
7. Тафтиш комиссияси йиғилишлари;
8. Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш тартиби ва миқдори.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда), янги таҳрирдаги “Ўзтрансгаз” АЖ Устави (кейинги ўринларда – Жамият) ва 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига (2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган

1.2. Низом тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, вазифалари, ваколатлари, унинг ишлаш тартиби ва Жамият бошқарувининг бошқа органлари билан ўзаро муносабатини белгилаб беради.

2. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми

2.1. Тафтиш комиссияси Жамият, унинг таркибий бўлинмалари, шўъба корхоналари, филиаллар ва Жамият балансида бўлган ваколатхоналар фаолияти устидан ички молиявий-хўжалик ҳамда ҳуқуқий назорат вазифаларини амалга оширувчи Жамиятнинг ички назорат органи саналади. Жамият тафтиш комиссияси томонидан ички назоратни ташкил қилишнинг асосий мақсади барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш саналади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатлари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинувчи ҳамда тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатларга амал қилади.

3. Тафтиш комиссияси таркиби

3.1. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Овоз бериш тафтиш комиссиясига аъзоликка ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади. Агар акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётганлар акциядорларнинг (ёки уларнинг вакилларининг) кўпчилиги овоз берган бўлса, у ҳолда муайян шахсни тафтиш комиссияси таркибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

3.2. Тафтиш комиссияси уч кишидан иборат бўлади. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра бир йил муддатга сайланади.

3.3 Айни бир шахс Жамият тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч марта сайланиши мумкин эмас.

3.4. Тафтиш комиссияси аъзоларига қуйидаги малака талаблари қўйилади:
– олий иқтисодий (молиявий) ёки юридик маълумот мавжудлиги;

– бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида камида бир йиллик тажриба ва билимлар мавжудлиги;

– молиявий-хўжалик фаолият устидан назорат соҳасида махсус билимлар мавжудлиги;

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Солиқ кодекси масалалари, қимматли қоғозлар бозори бўйича қонунчилик ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига оид билимлар.

3.5. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгаши аъзолари бўлиши, шунингдек, Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.6. Жамият тафтиш комиссияси таркибига номзодларни Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилаётган акциядор (акциядорлар) молиявий йил яқунланганидан ўттиз кундан кеч бўлмаган муддатда таклиф қилишга ҳақли саналади, номзодлар сони ушбу органнинг миқдорий таркибидан ортиб кетиши мумкин эмас.

3.7. Акциядорлар (акциядор) Жамият тафтиш комиссиясига ўзлари томонидан илгари сурилган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома эълон қилинган санадан уч иш кунидан кеч бўлмаган муддатда ўзгартириш киритишга ҳақли саналади.

4. Тафтиш комиссияси вазифалари

4.1. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш йил ёки бошқа давр учун фаолият яқунлари бўйича тафтиш комиссияси, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилаётган акциядор (акциядорлар) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссияси талабига кўра Жамиятнинг бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган шахслар унга молиявий-хўжалик фаолият тўғрисида ҳужжатларни тақдим этишга мажбур саналади.

Жамият тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Ўз вазифаларини бажариш жараёнида тафтиш комиссияси қуйидаги турдаги ишларни амалга оширади:

– Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулк инвентаризацияси бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тузиш, келтирилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби билан таққослаш;

– Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китоблар қонунийлигини текшириш;

– бухгалтерия ва статистика ҳисоби юритилишини мавжуд меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

– молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрлар, қоидалар ва ҳоказоларга риоя қилинишини текшириш;

– Жамиятнинг молиявий ҳолати, унинг тўлов қобилияти, активлар ликвидлиги, ўз ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини яхшилашнинг захираларини аниқлаш ва Жамият бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

– маҳсулотлар ва хизматларни етказиб берувчилар томонидан бюджетга тўловларнинг тўланиши, облигациялар бўйича фоизлар, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши, бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини текшириш;

– Жамият баланслари, солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун ҳисобот ҳужжатларини тузиш тўғрилигини текшириш;

– Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрилиги, уларнинг Уставга, Жамият Ижроия органи тўғрисидаги Низомга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;

– акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, уларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа меъерий ҳужжатларига номувофиқлик аниқланган ҳолларда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

5. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари ва ваколатлари

5.1. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини лозим даражада бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Жамият бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари, мансабдор шахслардан барча керакли ҳужжатларни, тафтиш комиссияси иши учун зарур бўлган ва уларни ўрганиш тафтиш комиссиясининг вазифалари ҳамда ваколатларига мувофиқ бўлган материалларни олиш. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссиясининг ёзма сўровидан сўнг уч кун мобайнида тақдим этилади;

– ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда бузилишлар аниқланганда ёки Жамият манфаатларига таҳдидлар Жамиятнинг ушбу бошқарув органлари ваколатлари доирасида бўлган масалалар ҳал қилинишини талаб этган ҳолларда ваколатли шахслардан кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишларини чақиришни талаб қилиш;

– ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда бузилишлар аниқланганда ёки Жамият манфаатларига бошқа таҳдид юзага келган ҳолларда Жамият умумий йиғилишини чақириш (бир овоздан қабул қилинган қарор билан);

– тафтиш комиссиясининг ваколат доирасида бўлган масалалар бўйича Жамият ходимларидан, шу жумладан ҳар қандай мансабдор шахслардан шахсий тушунтиришлар талаб қилиш;

– Жамият томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларга риоя этилмаган ҳолларда Жамият бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

6. Тафтиш комиссияси ва унинг аъзоларининг мажбуриятлари

6.1. Текширишларни ўтказишда тафтиш комиссияси аъзолари текшириш предметида алоқадор барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб ўрганиши шарт. Нотўғри хулоса учун тафтиш комиссияси аъзолари жавобгарликка тортилади, жазо чораси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.2. Агар ўзига берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати давомида тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажаришни тўхтатса, у тафтиш комиссиясида ўз ишини тўхтатишидан бир ой олдин бу ҳақда кузатув кенгашини хабардор қилишга мажбур. Кузатув кенгаши навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишида тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиришни амалга оширади.

6.3. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур саналади:

– амалга оширилган тафтишлар ва текширишлар натижаларини ёзма ҳисоботлар, ёзма ахборотлар, Жамият бошқарув органларида хабарномалар шаклида акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органига ўз вақтида ахборотлар етказиш;

– тижорат сирига риоя қилиш, махфий ҳисобланган ва ўз вазифаларини бажариш жараёнида тафтиш комиссияси аъзолари фойдаланадиган маълумотларни ошкор қилмаслик;

– Жамият манфаатларига реал таҳдидлар юзага келганда ёки мансабдор шахслар томонидан лавозимини суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши чақиришни ваколатли органлардан талаб қилиш.

6.4. Тафтиш комиссияси молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари ҳамда тартибларига мувофиқ тарзда йиллик ҳисобот ва баланслар бўйича хулосасини йиғилишдан камида 5 кун олдин кузатув кенгашига тақдим этади. Унинг хулосасисиз умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

6.5. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Жамият тафтиш комиссияси хулоса тузади, унинг таркибида қуйидагилар бўлади:

– Жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги баҳоси;

– бухгалтерия ҳисоби юритиш тартиби ва молиявий ҳисобот тақдим этишдаги бузилишлар, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятни амалга оширишда қонунчилик бузилишларига оид далиллар тўғрисида ахборот.

6.6. Тафтиш комиссияси ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишига аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки Жамиятда йирик битимлар мавжудлиги ҳамда бундай битимлар тузишда қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисида хулоса тақдим этади.

7. Тафтиш комиссияси йиғилиши

7.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз йиғилишларида ҳал қилади. Тафтиш комиссияси йиғилиши тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текшириш ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг яқунлари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссияси аъзолари тафтиш комиссияси кечиктирмай ҳал қилиши талаб этиладиган бузилишлар аниқланган ҳолларда шошилиш комиссия йиғилиши чақиришни талаб қилиши мумкин.

7.2. Тафтиш комиссияси йиғилиши унда аъзоларнинг камида 50% и қатнашган ҳолларда қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг ҳужжатлари ва хулосалари йиғилишда иштирок этаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи саналади.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қароридан норози бўлган ҳолларда йиғилиш баённомасига бу ҳақда махсус қайдлар киритишга ва уни ижро органи, кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишига етказиши мумкин.

8. Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш тартиби ва миқдори.

8.1. Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш уларнинг фаолияти даврида ҳар чорақда улар томонидан амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, шу жумладан, мажбурий ҳисоботлар ва фикрларни тақдим этилганлигига кўра уларнинг тафтиш комиссияси фаолиятидаги иштирокига мутаносиб равишда (мавжудлиги имзоланган хулосалар) амалга оширилади.

8.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўзининг функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларини унинг ўзига белгиланган ҳақ ҳисобидан қоплайди.

8.3. Тафтиш комиссияси аъзоларининг фаолияти учун тўланадиган мукофотлар суммаси Жамият харажатлари ҳисобига киритилади.

8.4. Жамиятнинг ваколатли орган томонидан тасдиқланган/қабул қилинган ҳисобот даври учун тафтиш комиссиясининг хулосалари тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8.5. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори (тафтиш комиссиясининг 1 нафар аъзосидан келиб чиққан ҳолда) 1 чорақ учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баравари миқдорида белгиланади ва ҳар чорақда тўланади.